

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ  
КАФЕДРАСИ**

**Ўзбекистон Республикасида  
ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти  
мавзусида ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Бажарди:** 4-курс “Давлат-  
ҳуқуқий фаолият” йўналиши  
2-гуруҳ талабаси Ҳакимов  
Миршод Баҳодир ўғли

**Илмий раҳбар:** Давлат ҳуқуқи ва  
бошқаруви кафедраси ўқитувчиси  
Ражабов Дилшод Салимович

**Тошкент-2017**

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг назарий-ҳуқуқий тавсифи</b> .....	<b>7</b>
1.1. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	7
1.2. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари.....	14
1.3. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	28
<b>II БОБ. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари</b> .....	<b>34</b>
2.1. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари тизими ва ваколатлари.....	34
2.2. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи муассасалар.....	44
2.3. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари иштироки.....	53
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>59</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>61</b>

## К И Р И Ш

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ёшлар ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик гоёларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, салоҳиятли ресурс ҳисобланади. Албатта, ёшларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тўлақонли рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қулай шарт-шароит яратиш орқали уларни юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айлантириш мумкин. Шунинг учун ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборни янги ҳуқуқий давлат ва демократик жамият барпо этиш ва ривожлантириш жараёнида ёшларнинг иштироки ҳам муҳим омиллардан бири эканлигини инобатга олиниб, кун тартибидаги долзарб масалалардан бири сифатида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш белгилаб олинди. Ушбу мақсадга эришиш учун 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунга қадар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солди. Биламизки, ёшлар янгиликларга интилувчан ва замон билан ҳамнафас яшайдиган аҳолининг таъсирчан қатлами ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хатарлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Замоनावий билим ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар — буюк келажагимиз кафолати. // <https://zamin.uz/>

Шу сабабдан, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш зарурати вужудга келди. 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларини тўлиқ қамраб олган қонун ҳужжатига айланди. Айниқса, ушбу қонунда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маданий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизими ҳамда ёшлар учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими батафсил акс этди.

Мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда намойиш бўлади:

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни давлат ва жамият ҳаётида муҳим куч ва мамлакатимиз эртанги кунини давомчилари сифатида қаралмоқда. Шу сабабдан, бу борада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, давлат тузилмалари масъуллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, мамлакатимизда ёшлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш бериш ва мустаҳкамлашда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг илмий-назарий ва қонунчилик асосларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, ушбу фаолиятнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ушбу ишда ишлаб чиқилган амалий таклифларни ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида фойдаланишда намоён бўлади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва муаммолик томонлари.** Ушбу тадқиқот ишнинг илмий янгилиги ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини биринчи марта алоҳида тадқиқот иши шаклида тадқиқ этилишида ифодаланади. Шунингдек, илмий тадқиқот ишининг муаммолик томонлари ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва илмий-назарий асослари ва қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини самарали олиб борилишини йўлга қўйишда ифодаланиди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тадқиқот ишининг мақсади ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳамда уларга асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу тадқиқот иши ўз олдига қўйган мақсадга эришишда қуйидаги бир қанча вазифаларга асосланади:

- ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти очиб бериш;

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини назарий жиҳатдан белгилаб бериш;

ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштириш ва ёритиб бериш;

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари тизимини ва ваколатларини очиб бериш;

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи муассасалар мақоми ва ҳуқуқларини ёритиб бериш;

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари иштироки шакллари ва хусусиятларини очиб бериш.

**Тадқиқот ишининг объекти.** Ушбу тадқиқот ишнинг объектини ёшлар ижтимоий хизматини фаолиятига оид ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот ишининг предмети.** Мазкур тадқиқот ишининг предметини ёшлар ижтимоий хизматини фаолиятига тегишли қонун ҳужжатлари ва уларни ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши мазмунан бир-бири билан боғланган кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 65 варақдан иборат.

# **I БОБ. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг назарий-ҳуқуқий тавсифи**

## **1.1. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти**

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни мамлакатимизда ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий ва бугунги кун талабларига мос тизimini ўзида белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунинг 3-бобида ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар акс эттирилган. Ушбу бобда ёшларни ҳимоя қилиш кафолатларини икки тури ва ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир қатор соҳалари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ёшларни ҳимоя қилиш кафолатларининг биринчи тури бу – ҳуқуқий кафолатлар бўлиб, ушбу Қонунинг 22-моддасига мувофиқ ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари қуйидагиларда ифодаланади.

Биринчидан, ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда қонунда белгилаб қўйилган асослар ва тартибда кафолатланади.

Иккинчидан, ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Учинчидан, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бирор бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди ҳамда бундай чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

Тўртинчидан, давлат вояга етмаганларни жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлашда шахснинг ҳуқуқларига ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишига, инсонпарварлик принципларига риоя этилишини кафолатлайди.

Бешинчидан, вояга етмаганлар учун улар содир этган ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси ва уларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади<sup>1</sup>.

Ёшларни ҳимоя қилиш кафолатларининг иккинчи тури бу – ижтимоий кафолатлар бўлиб, ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган асослар ва тартибда ёшлар учун қуйидагилар кафолатланади:

Биринчидан, ёш фуқарога қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Иккинчидан, ёш фуқаро таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олади.

Ўқув жараёни вақтида ўқувчилар ва талабаларни жамоатчилик ишларига жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан улар томонидан танланган мутахассисликка мос ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётининг шакли бўлган ҳоллар ёхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишдан бўш вақтида ихтиёрий меҳнат қилган ҳоллар мустасно. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат тўғрисидаги ёки фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Учинчидан, ёш фуқаро таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида бепул олий таълим олади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

Тўртинчидан, давлат ўз органлари ва муассасалари ёрдамида ёш фуқарони спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларига бориш учун шарт-шароитлар яратади.

Бешинчидан, ёш фуқарога қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар томонидан уй-жой қуриш, олиш ва уни реконструкция қилиш учун имтиёзли кредитлар берилади.

Олтинчидан, ёш фуқаро таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар берилади.

Еттинчидан, ёш фуқарога қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат томонидан етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминланади.

Саккизинчидан, ёш фуқарога қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва муассасалар томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Тўққизинчидан, ёш фуқарога қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва муассасалар томонидан меҳнат соҳасида ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда имтиёзлар бериш ва ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратилади.

Шунингдек, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади.

Ўнинчидан, ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш фаолияти ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўн биринчидан, ёш фуқароларга жамоат транспортдан фойдаланишда имтиёзлар берилади. Шунингдек, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чоралари кўрилиши мумкин<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир неча соҳалари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 24-моддасида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари белгилаб қўйилган.

Давлат томонидан ёш фуқаролар ва ёш оилалар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари сифатида қуйидагилар амалга оширилиши мумкин:

Биринчидан, оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш тизимини ривожлантириш;

Иккинчидан, ёшларга ижтимоий хизмат, ижтимоий ёрдам кўрсатувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш;

Учинчидан, ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш. Қонун ҳужжатларида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа қўшимча чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 25-моддасида давлат томонидан ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иккинчи соҳаси мустаҳкамланган бўлиб, ушбу соҳа иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Жумладан, ушбу соҳа бўйича давлат қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

Биринчидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантлари тақдим этиш;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

Иккинчидан, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш;

Учинчидан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар фаолиятини ташкил этиш;

Тўртинчидан, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўрғазмалар, фестиваллар, кўриклар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

Бешинчидан, ёшларга оид халқаро тажриба алмашуви;

Олтинчидан, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида, шу жумладан хорижий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан танлов асосида фойдаланишини таъминлаш;

Еттинчидан, илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ишларни ўтказиш учун ёш мутахассислар ва олимларга шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларнинг ишланмаларини амалиётга жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек ёшларнинг кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш;

Саккизинчидан, спорт-таълим муассасалари, клублари тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш;

Тўққизинчидан, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаётган жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур Қонуннинг 26-моддасида давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлашнинг яна бир соҳаси белгиланган бўлиб, ушбу соҳани ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ташкил

этади. Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳада қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

Биринчидан, давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қўмаклашиш;

Иккинчидан, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;

Учинчидан, ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;

Тўртинчидан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширилади. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли имтиёзлар ва афзалликлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни 27-моддасида ёшлар ижтимоий хизмат фаолиятига оид қоидалар мустақкамаланган. Ушбу моддага мувофиқ, ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти кўрсатиладиган субъектлар ёшлар ва ёш оилалар ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра ёшлар ёки ёш фуқаролар дейилганда ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилади.

Шунингдек, мазкур моддага мувофиқ ёш оила дейилганда эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) тушунилади<sup>1</sup>.

Мазкур ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилади.

Шундай қилиб, ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ўзига хос ўрин тутди ва муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти кўрсатиладиган субъектлар доирасининг кенглиги бўлиб, ушбу хизмат ёшлар ва ёш оилаларга кўрсатилади, бошқа ижтимоий ёки ҳуқуқий кафолатларнинг айрим турлари бундан фарқли равишда ёшларга ёки ёш оилаларга қаратилган.

Иккинчидан, ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ўзининг йўналишларининг кенг камровлиги билан ҳам бошқа кафолатлар тизимидан фарқланиб туради.

Демак, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг мазкур ўзига хос хусусиятлари бир вақтнинг ўзида мазкур фаолиятнинг ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида муҳим аҳамият касб этишини очиб беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

## 1.2. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни 27-моддасига мувофиқ ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш;

2. Имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

3. Ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

4. Таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

5. Ёш мутахассисларга янги иш жойига мослашишида, уларни қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш;

6. Вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

7. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш;

8. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;

9. Ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш. Шунингдек, ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг биринчи йўналиш ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

бериш бўлиб, ушбу чора-тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёш фуқаро ёки ёш оилаларни катта ҳаёт йўлини тўғри танлаш, тарбиялаш ва уларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий мдаданиятини юксалтиришдир.

Ёшларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш асосан ёшларга таълим берувчи муассасалар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом нормларига кўра мазкур таълим муассасалари ўқувчи ва талабалар учун психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайди<sup>1</sup>. Мазкур психологик-педагогик фаолиятни ушбу таълим муассасасининг раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, 2014 йил 23 апрелда тасдиқланган Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомга мувофиқ умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни самарали ташкил этиш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларида маслаҳат марказлари ташкил этилган. Ушбу марказлар битирувчилар ва уларнинг ота-оналарига (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) уларнинг истагини инобатга олган ҳолда касб-хунар танлаш бўйича маслаҳатлар беради. Ушбу фаолият маслаҳат маркази раҳбари, марказ аъзолари бўлган таълим муассасасининг амалиётчи психологи ҳамда тажрибали педагоглари томонидан амалга оширилади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 315-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 21-сон, 249-модда.

Ёшларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунининг 14-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси тегишли ҳудудда маслаҳат марказлари ишини ташкил этиши мумкин. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 17-моддасига кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарорига мувофиқ маслаҳат маркази тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади<sup>2</sup>. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низоми асосида ишлаб чиқилади<sup>3</sup>.

Маслаҳат марказининг асосий мақсади тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга жамоатчилик асосида тадбиркорликка оид ахборот хизматлари кўрсатиш ва шу орқали, маҳалла аҳолисининг, шу жумладан ёшларнинг даромадлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу марказлар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 549-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда

ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек хунармандларга бириктирилишига кўмаклашади<sup>1</sup>.

Ёшларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг яна бир норматив-ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Тошкент шаҳрида ёшлар таълим-тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридир.

Мазкур қарор Тошкент шаҳрида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий ғоя тарғиботини кучайтириш орқали таълим-тарбиясини янада яхшилаш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маҳалла фуқаролар йиғинлари ролини ошириш, хотин-қизлар ва оила муаммосини изчил ўрганиш ҳамда маънавий дунёқарашни соғломлаштиришга доир тадбирларни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Ёшларга бундай маслаҳатлар таълим муассасаларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аъзолари, Аёллар маслаҳат марказлари ходимлари томонидан амалга оширилади<sup>2</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг иккинчи йўналиши имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлиб, мазкур йўналиш ногирон ва парваришга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари сифатида I ва II гуруҳ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 6-сон, 53-модда

ногиронлари, ногирон болалар; етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар киритилган<sup>1</sup>.

Мазкур Қонуннинг 13-моддасига кўра ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўйидаги шакллари белгиланган:

- ижтимоий кузатув ва маслаҳат бериш хизматлари;
- уйда парваришлаш бўйича ижтимоий хизматлар;
- кундузи ва (ёки) қисқа муддат бўлиш муассасаларидаги ижтимоий хизматлар;
- интернат муассасаларидаги ижтимоий хизматлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 240-сон қарори билан “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низоми тасдиқланган. Ушбу низомга мувофиқ “Мурувват” болалар интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгача ногирон болалар учун давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, 2010 йил 9 июлдаги Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомга мувофиқ комиссия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурида тузилади. Мазкур комиссиянинг мақсади 2 ёшдан 7 ёшгача жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни аниқлаш ва уларни тегишли типлар бўйича муассасага жойлаштиришдан иборат<sup>3</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги “Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 419-сон қарорига мувофиқ Республика

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 596-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 348-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 239-модда

болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан жисмоний имкониятлари чекланган (ногиронлар, жисмоний нуқсони бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар), ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни (етимлар, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари), шунингдек ижтимоий мослашувда қийинчиликка эга бўлган, бироқ хатарли гуруҳларга кирмайдиган алоҳида иқтидорли болаларни (умумий махсус қобилиятли болаларни, хусусан: спортга, бадиий, илмий ва бошқа қобилиятларга эга бўлган болаларни) ижтимоий мослаштириш муаммолари ўрганилади<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг учинчи йўналиши ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлиб, ушбу йўналишда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўзи ичига олади.

Ушбу йўналишдаги асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармонида. Ушбу Фармон ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 124-сон қарори Ёш оилалар ҳаётининг қулай маиший шароитлари яратилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қиммат бўлмаган уй-жойга эга бўлишни янада кенгайтириш мақсадида қабул қилинди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 400-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 202-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги “Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналарни, уй-жойларни ҳамда кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартибини белгилайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 24/6-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низомга асосан банклар томонидан кредитлар пудрат қурилиш ташкилотларига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва улардан мақсадли фойдаланиш шартларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган яқка тартибдаги ва намунавий лойиҳалар бўйича, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“калити билан”) қуриш ёки реконструкция қилиш шарти билан берилади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 304-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 425-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада кўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 250-сон қарори билан тасдиқланган “Камолот”нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида Низом Камолот»нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар (кейинги ўринларда квартиралар деб аталади) бериш масалаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг тўртинчи йўналиши таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бўлиб, бунда ёшларни рағбатлантириш назарда тутилади.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-555-сон Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари, техника факультетлари учун – Беруний номли, тиббиёт факультетлари учун – Ибн Сино номли, гуманитар факультетлар учун – Навоий номли, табиёт факультетлари учун Улуғбек номли Давлат стипендиялари таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур стипендияларнинг низом ва тартибларни тасдиқланган. Олимпиадалар, конкурслар ва мусобақаларнинг ғолибларига I-V ўринларни олган ғолибларга талаба стипендияси миқдорининг ўн каррадан олти каррагача кўп бўлган халқаро мукофотлар; I-II-III ўринларни олган ғолибларга талаба стипендиясининг уч-икки-бир карра кўп бўлган республика мукофотлари берилиш белгилаб қўйилди<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг бешинчи йўналиши ёш мутахассисларга янги иш жойига мослашишида, уларни қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек қонун ҳужжатларида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 3-сон, 132-модда

белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу йўналишнинг мазмунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон Қарори очиб беради.

Ушбу Қарор таълим тизимининг демократик ва бозор ислоҳотларига мувофиқлигини таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозориди рақобатни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ корхоналар ва ташкилотларнинг буюртманомаларига кўра мутахассислар тайёрлаш таълим муассасалари томонидан контракт асосида амалга оширилади. Корхоналар ва ташкилотларнинг грантлари таълим ва илмий муассасаларга ҳам, бевосита фуқароларга ҳам ажратилиши мумкин. Корхоналар грантлари бевосита фуқароларга фақат уларнинг таълим ва илмий муассасаларга кириш учун танловдан ўтиш натижаларига кўра ажратилади<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг олтинчи йўналишини вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 268-сон қарори билан тасдиқланган Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисидаги Низом алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> <http://www.lex.uz>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда

Ушбу Низомга мувофиқ ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси бўлган ихтисослаштирилган мактаб алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 342-сон буйруғи билан тасдиқланган Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўтказиш тартиби тўғрисида Йўриқнома ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди<sup>1</sup>.

Ушбу Низомга мувофиқ вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилишидан олдин тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари киради. Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилиши мазкур Йўриқноманинг иловасида келтирилган Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхати асосида тиббий кўриқ натижаси бўйича аниқланади. Ушбу рўйхатда келтирилган касалликлар аниқланган тақдирда вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилиши мумкин эмас.

Шунингдек, 2015 йил 10 июндаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 15-модда

меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрлари тасдиқланган<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг еттинчи йўналишини озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш ташкил этади.

Мазкур йўналиш махсус қонун билан тартибга солинади. 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунга мувофиқ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи<sup>2</sup>.

Ушбу йўналишда яна бир махсус қонунлардан бири 2010 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунидир. Ушбу қонунга мувофиқ яқка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолиятдир<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 333-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг саккизинчи йўналишини ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Мазкур йўналиш ёшларга ойда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири десак муболаға бўлмайди. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш уларни иш билан бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Жумладан, биргина 2015 йилда касб-хунар коллежларининг 800 нафар битирувчисига тижорат банклари томонидан 12 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Ўтказилган сўровномалар асосида жорий йилда 2 минг 700 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларга 14 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратиш режалаштирилмоқда<sup>1</sup>.

Мазкур йўналишда асосий қонун ҳужжати бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади.

Шунингдек, 2016 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан бу борадаги асосий вазифалардан бири бўлиб, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш назарда тутилди. Ушбу Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ёшлар тадбиркорлигини ривожланишини янада рағбатлантириш, бунда: давлат органлари томонидан ёшлар

---

<sup>1</sup> [http://uza.uz/oz/society/yeshlar-tadbirkorligiga-keng-y-l-12-02-2016?ELEMENT\\_CODE=yeshlar-tadbirkorligiga-keng-y-l-12-02-2016&SECTION\\_CODE=society&print=Y](http://uza.uz/oz/society/yeshlar-tadbirkorligiga-keng-y-l-12-02-2016?ELEMENT_CODE=yeshlar-tadbirkorligiga-keng-y-l-12-02-2016&SECTION_CODE=society&print=Y)

тадбиркорлигини ташкил этилишига кўмаклашиш; тадбиркорлик фаолиятига ёшларни жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш; ёшларга тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш, таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида шартнома асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш; ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг тўққизинчи йўналишини ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш масалалари, шунингдек, ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш қамраб олади.

Ёшлар орасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ОАВ кўрсатувлари – 23,1%, концерт зал – 22,9%, кинотеатр ва театрлар – 18,4%, видеосалон – 9%, дискотека, кафе-барларда – 5,2% , турли тўгаракларда – 21, 8% ёшлар бўш вақтларидан мазмунли фойдаланадилар<sup>2</sup>.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларни таълим ва спортга жалб этиш орқали улар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳузурида “Ота-оналар университети” ташкил этилиб, уларга аҳоли орасида ҳурмат-эътибор қозонган кишилар жалб қилинган. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам бугун оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>3</sup>.

Ушбу йўналишда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, жумладан, 2015 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонунига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда

<sup>2</sup> <http://www.faylasuf.uz/index.php/falsafa/amaliy-falsafa/ijtimoi/365-joshlar-b-sh-va-tini-samarali-tashkil-etish-omillari>

<sup>3</sup> <http://xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/1212-barkamol-avlodni-tarbiyalashning>

30-моддасига мувофиқ фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ҳамда дам олиш жойида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш тартиби белгиланган. Ушбу модда га кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг яшаш жойи ва дам олиш жойи бўйича жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш учун шароитлар яратади, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни жалб этиш йўли билан шароитлар яратади.

Санаторий-курорт муассасалари, дам олиш уйлари ва туристик базалар раҳбарлари фуқароларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фуқароларнинг даволаниши ҳамда дам олиши жараёнида жисмоний тарбия компонентларидан фойдаланиш учун шароитлар яратади<sup>1</sup>.

Шунингдек, бу борда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мувофиқ «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жамоат кенгаши ва «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашлари тузилди. Ушбу кенгашлар жойларда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг таълим-тарбия бериш, бўш вақтларини тўғри ташкил этишга кўмаклашадилар ва шарт-шароит яратидилар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳар бир йўналиш ўзига хос ички тузилишга ва ривожланиш жиҳатларига эга бўлиб, мазкур йўналишларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 36-сон, 473-модда

### 1.3. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими кенг бўлиб, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонунининг 5-моддасига асосланиб<sup>1</sup>, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кўйидагича таснифлаш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
6. вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
7. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима қисмида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаганлиги тамойилининг ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг конституциявий асоси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига мувофиқ вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, 65-моддага мувофиқ фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, ҳамда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий нормалар ҳам ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг конституциявий асосларини ташкил этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 3.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятига оид қонунларга 2016 йил 14 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, 2013 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни, 2016 йил 26 декабрдаги “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни, 2014 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 2010 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуни киритиш мумкин.

Мазкур қонунлар орасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг умумий асослари ва йўналишлари тизимини белгилаб берувчи қонун Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қолган қонунлар ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишининг у ёки бу турини тартибга солишга хизмат қилади. Жумладан, ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш йўналишида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни; имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш йўналишида “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни; озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга

---

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни; ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш, шунингдек, ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш йўналишда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуни киритиш мумкин.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасида бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-555-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ҳужжатлари ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ва унинг йўналишларини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

---

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Тошкент шаҳрида ёшлар таълим-тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 240-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги “Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 419-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги “Ёш оилаларни ижтимоий кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 124-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги “Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада

кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 268-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти йўналишлари амалга ошириш тартибини ва ушбу йўналишларга масъул давлат органларини белгилаб беради.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти оид вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан буйруқлари ҳамда қарорлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 23 апрелдаги “Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 9 июлдаги “Тиббий-психологик-педагогик

---

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва бошқалар<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ва унинг йўналишларини тартибга солувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда ёшлар ва ёш оилаларга кўрсатилаётган ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти мунтазам ва сифатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **II БОБ. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари**

### **2.1. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари тизими ва ваколатлари**

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти йўналишлари кенглигини ҳисобга олсак, ушбу соҳадаги ваколатлар органлари тизими ҳам кенг ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг иккинчи бобида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари тизими ва ваколатлари белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасидаги ваколатлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;
- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади<sup>1</sup>.

Юқоридаги ваколатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасида дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқади ва уларни ижро этилишини таъминлайди, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида давлат органлари ва муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти йўналишларидан имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи муассасалар фаолиятини ташкил этади ва бу борада вазирликлар ва бошқа давлат органларига зарур чора-тадбирларни амалга оширишни зиммасига юклайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низоми тасдиқланган. Шунингдек, ушбу Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги зиммасига бир қатор чора-тадбирларни юклайди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 348-модда

Бундан ташқари, ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти йўналишларидан ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган. Ушбу Қарорда ёш оилалар ҳаётининг қулай маиший шароитлари яратилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қиммат бўлмаган уй-жойга эга бўлишни янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириши белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасида жуда кўплаб қарорлар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳада юқоридаги ваколатларини амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятисоҳасидаги қуйидаги ваколатлари амалга оширади:

- тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

- тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 202-модда

- ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади<sup>1</sup>. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудларда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширилишига жавобгар давлат органлари ҳисобланади. Ушбу соҳада маҳаллий давлат органлари ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади, ушбу соҳада иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди, ушбу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлар ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятинининг барча йўналишларида иштирок этиб, ваколатли ҳисобланади.

Жумладан, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятинининг таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан касб-ҳунар коллежлари учун тармоқ вазирликлари, идоралари, иқтисодий барқарор корхоналар орасидан васийлар аниқланади, улар иш берувчилар билан шериклик муносабатлари ривожлантирилишини таъминлайдилар,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

Ўқувчиларнинг корхоналарда, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга, кейинчалик битирувчиларни ишга жойлаштиришга, шунингдек касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник ва ресурс базасини мустаҳкамлашга, ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашадилар<sup>1</sup>. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасида яна бошқа кўплаб ваколатларга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ва ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этувчи органлар тизимига қуйидагилар киради:

- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари;
- маданият ва спорт ишлари бўйича органлар;
- меҳнат органлари;
- прокуратура органлари;
- ички ишлар органлари;
- адлия органлари;
- мудофаа ишлари бўйича органлар<sup>2</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ва унинг йўналишларида таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ваколатлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, Мазкур Қонуннинг 10-модда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари қуйидаги ваколатларга эга:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 315-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

- манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

- ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

- таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар ташкил этади;

- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

- имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

- ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Юқоридаги ваколатлар мазмунидан англашинадики, ушбу ваколатлар ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини деярли барча йўналишларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонунига мувофиқ 26-моддасига мувофиқ таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

- ўқув ва ўқув-услугият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;

- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш<sup>1</sup>.

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълим вазирлиги мансуб.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълим вазирлиги қуйидаги ваколатларга эга:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

- манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда

- ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

- таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар ташкил этади;

- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

- имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир қатор вазифа ва ваколатларни ҳам амалга оширади. Жумладан, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шакллари эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш<sup>2</sup>. Бундай вазифаларни амалга ошириш орқали ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда

Халқ таълими вазирлигининг бир қатор вазифалари амалга оширади. Чунончи, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, педагог кадрларнинг, айниқса бошланғич синфлар ўқитувчиларининг малакасини ва касб даражасини ошириш<sup>1</sup>. Бундай вазифаларни амалга ошириш орқали Халқ таълим вазирлиги ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этади.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг кўплаб йўналишларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги куйидаги ваколатларга эга:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади;

- ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади;

- имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

- ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, захарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 31-сон, 356-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

тўғрисида”ги Қарори мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир қатор вазифаларни амалга оширади. Жумладан, аҳолига бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражаси ва сифатини таъминлаш<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Спорт кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳам фаол иштирок этади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда ёшлар ижтимоий хизматини фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари тизими кенг бўлиб, ёшлар ижтимоий хизматининг барча йўналишлари ўз ваколатлари доирасида фаолият юритади.

---

<sup>1</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=262859](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=262859)

## 2.2. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширувчи муассасалар тизими ва ҳуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этувчи муассасалар тизимига асосан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муассасаларнинг ваколатлари белгиланган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ таълим соҳасидаги давлат органлари билан бир қаторда ёшлар давлат сиёсати соҳасида ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти амалга ошириш бўйича қуйидаги ваколатлар белгилаб қўйилган:

- ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари амалга оширади;

- ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар, клублар фаолиятини амалга оширади;

- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

- имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

- ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш доир фаолиятда иштирок этади<sup>1</sup>.

Таълим муассасалари тизими Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълимнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим турларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади<sup>2</sup>.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда

хақида”ги 140-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Ушбу фаолият умумтаълим муассаслари томонидан амалга оширилади. Бунда муассасаларга бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I — IV синфлар); умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар); айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар); айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: V — IX синфлар); футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: V — IX синфлар); жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернат) (ўқитиш муддати 9 (10) йил: I — IX (X) синфлар); санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар); алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва б<sup>1</sup>.

Шунингдек, мазкур Қарорга мувофиқ умумтаълим муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ўз уставларига амал қилади.

Умумтаълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади ва ўз уставига, мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобварақларига (давлат таълим муассасалари учун), банк ҳисоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган муҳрга (давлат умумтаълим муассасаларининг муҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилади), штампга ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда

бланкаларга эга бўлади. Умумтаълим муассасасининг устави белгиланган тартибда тасдиқланади ва умумтаълим муассасаси маҳаллий давлат ҳокимияти органида давлат рўйхатидан ўтказилади. Умумтаълим муассасаларининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади<sup>1</sup>.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарорига мувофиқ ташкил этилади. Ушбу қарорга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тизими ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур ташкилий, ўқув-методик, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайдиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан иборат бўлади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари юридик шахслар ҳисобланади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади<sup>2</sup>.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўз уставига, мустақил балансига, Молия вазирлигининг Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида шахсий ҳисоб рақамларига (давлат таълим муассасалари учун), ҳисоб-китоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган муҳрга,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 315-модда

бурчакли штампга ва бланкаларга эга бўлади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг устави қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг муассислари бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 январь “Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 9-сон буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари белгиланади: университет, академия, институт.

Олий таълим муассасалари юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тузиладиган олий таълим дастурларини амалга оширади ва ўзининг Устави ва ушбу Низомга асосан фаолият юритади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасалари ушбу соҳадаги давлат органлари билан бир қаторда ёшлар давлат сиёсати соҳасида ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти амалга ошириш бўйича қуйидаги ваколатлар белгилаб қўйилган:

ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботларда иштирок этади;

ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни амалга оширади;

имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни амалга оширади;

ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, рухий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 315-модда

<sup>2</sup> Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2003 г., № 4;

текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришда иштирок этади<sup>1</sup>.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тизими ўзининг вазифа ва функциялари ҳамда фаолият йўналишларига қараб кўплаб ташкилий шаклларга бўлинади.

Жумладан, ушбу тизимда даволаш-профилактика муассасалари ва тиббий-ижтимоий муассасалар фаолият юритади<sup>2</sup>. Жумладан, бошқарувнинг ҳудудий идоралари, идоравий ташкилотлар: илмий марказлар: Нейрохирургия Республика илмий маркази, Республика онкология илмий маркази, Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий маркази; илмий-тадқиқот институтлари: Вирусология илмий-текшириш институти, Гематология ва қон қуйилиши илмий-тадқиқот маркази, Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот институти, Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик ва тиббий статистика Институти тузилиши, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти; амалиёт марказлари: Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Республика Она ва бола скрининг маркази, Республика патологик анатомия маркази, Республика перенатал маркази; республика клиникалари: Республика Офтальмология шифохонаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникаси; ихтисослаштирилган марказлар: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик маркази, Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган терапия ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=262859](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=262859)

тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган урология маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази; ўқув юртлар: Андижон Давлат Тиббиёт Институти, Бухоро Давлат Тиббиёт институти, Самарқанд Давлат Тиббиёт институти, Тошкент Тиббиёт Академиясининг Урганч филиали, Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент Педиатрия Тиббиёт институтининг Нукус филиали, Тошкент Тиббиёт Академияси, Тошкент Тиббиёт Академиясининг Фарғона филиали киради<sup>1</sup>.

Бундан ташқари ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти соҳасида тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатувчи муассасалари ҳам фаолият юритади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги “Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 419-сон қарорига мувофиқ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази жисмоний имкониятлари чекланган (ногиронлар, жисмоний нуқсонли бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар), ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни (етимлар, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари), шунингдек ижтимоий мослашувда қийинчиликка эга бўлган, бироқ хатарли гуруҳларга кирмайдиган алоҳида иқтидорли болаларни (умумий махсус қобилиятли болаларни, хусусан: спортга, бадий, илмий ва бошқа қобилиятларга эга бўлган болаларни) (кейинги ўринларда болалар деб аталади) ижтимоий мослаштириш муаммоларини ўрганувчи мустақил ташкилот ҳисобланади.

Марказ ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

---

<sup>1</sup> [https://www.minzdrav.uz/uz/agencies/all.php?SECTION\\_ID=1163](https://www.minzdrav.uz/uz/agencies/all.php?SECTION_ID=1163)

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга амал қилади.

Марказнинг юридик номи: давлат тилида — Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази; рус тилида — Республиканский центр социальной адаптации детей; инглиз тилида — The Republican Center for Social Adaptation of Children.

Марказ Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида жойлашган. Марказ юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, валюта ҳисоб рақамларига ва бошқа ҳисоб рақамларига, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа хизмат белгилари ва реквизитларга эга бўлади. Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган ўз филиалларига эга бўлиши мумкин, улар ўз фаолиятини ушбу Устав ва Марказ директори томонидан тасдиқланадиган улар тўғрисидаги низомлар асосида амалга оширадилар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 240-сон қарорига мувофиқ “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ “Мурувват” болалар интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгача ногирон болалар учун давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 400-модда

“Мурувват” болалар интернат уйлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин. “Мурувват” болалар интернат уйлари тугатишда васийликка олинганларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда бошқа “Мурувват” болалар интернат уйларига ўтказиш таъминланади.

“Мурувват” болалар интернат уйлари ҳузурида тасдиқланган койка фонди доирасидаги бўш ўринлар ҳисобига ногирон болалар учун кундузги парваришлаш гуруҳлари ташкил этилиши мумкин.

“Мурувват” болалар интернат уйларида бўш ўринлар мавжудлиги тўғрисидаги ахборот “Мурувват” болалар интернат уйларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек уларнинг маъмурий биносида кўринарли жойлардаги стендларда ёки бошқа техник воситаларда эълон жойлаштириш йўли билан манфаатдор шахслар, шу жумладан ота-оналар, фарзандликка олувчи, ҳомий ёки васий эътиборига етказилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан тасдиқланган алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида низомга мувофиқ Ушбу ихтисослаштирилган мактаб алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги “Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 348-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда

қарори билан тасдиқланган Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомга мувофиқ меҳрибонлик уйи етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат тарбия муассасасидир. Меҳрибонлик уйи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этилади. Меҳрибонлик уйи муассаса шаклида ташкил этилади ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади. Меҳрибонлик уйи устави халқ таълимининг тегишли органи томонидан тасдиқланади. Меҳрибонлик уйининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Меҳрибонлик уйлари қуйидаги типларга бўлинади: а) мактабгача Меҳрибонлик уйи (3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун); б) Меҳрибонлик уйи (мактабгача ва мактаб ёшидаги ёки фақат мактаб ёшидаги болалар учун); в) махсус коррекцион Меҳрибонлик уйи (жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун)<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги “Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори Оилавий болалар уйлари тўғрисида Низомга мувофиқ Оилавий болалар уйи ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун тарбия муассасаси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёшлар ижтимоий хизмат фаолиятида иштирок этувчи кўплаб муассасаларнинг тизими ва ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланган. Мазкур муассасалар ёшлар ижтимоий хизмат фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликларини руёбга чиқаришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 318-модда

### **2.3. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари иштироки**

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки ҳуқуқий тартибга солинган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 18-моддасига кўра фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ҳамда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида қуйидаги тадбирларда иштирок этади:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

- ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади;

- тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади<sup>1</sup>.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунининг 14 ва 17-моддаларига мувофиқ турли масалаларда, жумладан, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиш ҳуқуқига эга<sup>2</sup>.

Ушбу Марказлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори<sup>3</sup> ва Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низоми асосида амалга оширилади<sup>4</sup>.

Бундай маслаҳат марказларининг асосий мақсади тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга жамоатчилик асосида тадбиркорликка оид ахборот хизматлари кўрсатиш, ва шу орқали, маҳалла аҳолисининг, шу жумладан ёшларнинг даромадлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Бундан ташқари, бундай маслаҳат марказлар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 549-модда

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда

ва ташкилотларга, шунингдек хунармандларга бириктирилишига кўмаклашади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Тошкент шаҳрида ёшлар таълим-тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёшларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш фаолиятида иштироки этади.

Ушбу қарорга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини Тошкент шаҳрида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий ғоя тарғиботини кучайтириш орқали таълим-тарбиясини янада яхшилаш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда хотин-қизлар ва оила муаммосини изчил ўрганиш ҳамда маънавий дунёқарашни соғломлаштиришга доир тадбирларни янада кучайтиришда ролини ошириш мақсадида қабул қилинган<sup>2</sup>.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ҳудудларда ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширишда иштирок этади ва кўллаб-қувватлайди.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида иштирок этувчи нодавлат ноижорат ташкилотлар тизимига Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Меҳр ва мурувват” жамоат фонди, Маҳалла” хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, “Соғлом авлод учун” халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Экосан” халқаро жамғармаси, “Болалар санъати ва ижоди маркази” болалар жамоат жамғармаси ва бошқалар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 6-сон, 53-модда

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки ҳуқуқий тартибга солинган. Ушбу моддага кўра нодавлат нотижорат ташкилотлари қуйидаги тадбирларда иштирок этади:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- ёшларда ҳаётга бўлган катъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади;

- соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

- ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади;

- фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади;

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-

тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади;

- ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин;

- ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашади<sup>1</sup>.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати салмоқли ўрин тутди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиз ёшларини ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир. Ҳаракат ўз сафига 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 6 млн.га яқин Ўзбекистон ёшларини бирлаштиради<sup>2</sup>.

Ҳаракатнинг ташкилий негизи – бошланғич ташкилотдир. Бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига мувофиқ Ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимларига бирлашадилар. Бошланғич ташкилот камида беш нафар Ҳаракат аъзосининг хоҳишига асосан, уларнинг йиғилиши қарори билан тузилади. Ҳаракатга аъзолик ёшидаги йигит-қизлар ўз қизиқишлари бўйича ҳамда турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ҳаракат тизимлари қошида тузиладиган турли клублар ва марказларда бирлашишлари мумкин.

Ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига бирлашадилар.

Ҳаракат ҳомийлигида республика «Камалак» болалар ташкилоти фаолият юритади. “Камалак” болалар ташкилоти ўз сафига ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларни ва ўсмирларни миллий истиқлол ғояси асосида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=3026246](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=3026246).

<sup>2</sup> [https://kamolot.uz/whats\\_kamolot](https://kamolot.uz/whats_kamolot)

Ватаннинг содиқ фарзандлари этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлаштиради.

Хорижий мамлакатларда ҳам ёшларнинг ижтимоий хизмати фаолияти амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, ёшлар ташкилотлари фаолият юритади. Жумладан, Россия Федерациясида ёшларнинг энг йирик ёшлар ташкилоти — Россия Ёшлар Иттифоқи умумроссия ёшларининг ижтимоий носий ва нотижорат ташкилоти ҳисобланади. У 1990 йил 31 майда ташкил топган. РЎИнинг бош ижроия органи унинг Марказий Қўмитаси бўлиб, у ташкилотнинг курултойи қарорига мувофиқ шакллантирилади. РЎИнинг дастур ва тадбирларида ҳар йили 1 млн яқин ёшлар иштирок этади. Россия Федерациясининг 73 та ҳудудий бўлинмасида унинг ваколатхонаси фаолият юритади<sup>1</sup>.

Буюк Британияда Скаутлар ассоциацияси ва Қизлар скаути энг катта сийсий бўлмаган ёшлар ташкилоти ҳисобланади. Ушбу ташкилотларга 1 млн 300 минг ўғил ва қиз болалар аъзо. Скаутлар ассоциацияси 1908 йил ташкил топган, унинг раҳбари Баден Пауэлл ҳисобланади<sup>2</sup>.

Германияда эса ёшларнинг кўпчилиги ёшлар федерал уюшмаларига бирлашган. Улар: Немис ёш спортчилари, Федерал ёшлар уюшмасининг ёшлар бирлашмаси, Германия Федерал ёшлар доираси (DBJR), Яшилчилар, Германия ёшлар уюшмаси ва ҳоказо<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати иштироки муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> <http://ruy.ru/organization/activities/>

<sup>2</sup> [http://www.english-easy.info/topics/topics\\_Youth\\_organizations\\_in\\_Great\\_Britain.php#axzz2PHiJ6niz](http://www.english-easy.info/topics/topics_Youth_organizations_in_Great_Britain.php#axzz2PHiJ6niz)

<sup>3</sup> [http://de.wikipedia.org/wiki/Liste\\_von\\_Jugendorganisationen\\_in\\_Deutschland](http://de.wikipedia.org/wiki/Liste_von_Jugendorganisationen_in_Deutschland)

## ХУЛОСА

Ёшлар масаласи ҳар доим эътиборга сазовор соҳа ҳисобланади, зероки ёшлар жамият тараққиётининг бугуни ва эрғанги кунини белгилаб берувчи муҳим ва асосий омил ҳисобланади десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, ёшлар масаласининг долзарблигини яна бир жиҳати бугунги кунда глобаллашув жараёнида турли хил мафкуравий хуруж ва тазйиқларнинг бутун дунё мамлакатларида ўзининг салбий таъсирини ўтказишга ўриниб келаётганлиги ҳам ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва мавжуд тизимни такомиллаштириб бориш зарурати мавжуд.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқан ҳолда ушбу тадқиқот ишининг назарий-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги бир қатор назарий тавсия ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятига оид илмий тадқиқот ишларининг етарлича амалга оширилмаганлиги сабабли ушбу соҳанинг илмий-назарий базаси ҳам етарлича эмас. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг илмий-назарий базасини янада бойитиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти тушунчасига қуйидагича назарий-ҳуқуқий таъриф ишлаб чиқилди: *“Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти – Ўзбекистон Республикасида ёш фуқаролар ва ёш оилаларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли давлат органлари ва муассасалари томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳамда ўзининг алоҳида йўналишларига эга бўлган фаолият”*.

2. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ўзига хос ўрин тутиши ва алоҳида аҳамият касб этишини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти кўрсатиладиган субъектлар доирасининг кенг бўлиб, ушбу хизмат ёш фуқаролар ва ёш оилаларга кўрсатилади. Бошқа ижтимоий ёки ҳуқуқий кафолатларнинг айрим турлари бундан фарқли равишда фақат ёшларга ёки фақат ёш оилаларга қаратилган.

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти йўналишларининг кенг қамровли бўлиб, бошқа кафолатлар тизимидан фарқланиб туради.

- ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари сонини кўплиги. Бошқа ижтимоий ёки ҳуқуқий кафолатлар турларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари кўп эмас.

3. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ўзига хос ўрин тутиши ва алоҳида аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ушбу соҳада иштирок этувчи муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини доимий мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Республика ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш таклиф этилади.

4. Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамиятининг юқорилиги сабабли, ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тартибга солувчи махсус қонун Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу қонунда ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти тушунчаси, ушбу фаолиятнинг принциплари, хизмат кўрсатилувчиларнинг ҳуқуқлари кафолатлари, ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органлар тизими ва уларнинг ваколатлари ҳамда жавобгарлиги, ушбу фаолиятда иштирок этувчи муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқлари акс этиши мақсадга мувофиқ.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.3. 2013 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.4. 2016 йил 26 декабрдаги “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.5. 2014 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.6. 2010 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.7. 2015 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармони // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-555-сон Фармони // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.15. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори

1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Тошкент шаҳрида ёшлар таълим-тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 240-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги “Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 419-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 124-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги “Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон Қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 268-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.25. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 23 апрелдаги “Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.26. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2013 йил 24 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.27. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 9 июлдаги “Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.28. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.29. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // [http// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **II. Раҳбарий адабиётлар**

3.1 Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.

3.2 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.

3.3 Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.

3.4 Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

3.5 Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

3.6 Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –280 б.

3.7 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –174 б.

3.8 Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

3.9 Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18.–Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –280 б.

3.10 Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

3.11 Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.

3.12 Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.

3.1 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // <http://uzbekistonovozi.uz>.

3.2 Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // <http://uzbekistonovozi.uz>.

### **Ш. Илмий адабиётлар ва мақолалар**

3.1 Жўраев С. Ўзбекистон давлатининг ёшларга оид сиёсати: назария ва амалиёт. Докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 1994 й;

3.2 Қодирова З. Жамиятни ҳар тарафлама ислоҳ қилиш шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммолари. -Т: 2000;

3.3 Тангриев Л. Ёшлар - сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент: 2001 й;

3.4 Бўронова Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида): Сиё.фан ном дис. ... автореф.-Тошкент, 2009.-26 б Қуранбоев Қ. Ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишнинг педагогик асослари. -Т: 2000;

3.5 Сафарбуваева И. “Ўқувчи шахсини фаоллаштиришда миллий менталитет элементларидан фойдаланишнинг педагогик асослари. -Т: 2006; Мирзаолимов Б. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг педагогик асослари. -Т: 2005;

3.6 Родина О.А. Молодежные общественные объединения в современной России: социологический анализ эффективности: Автореф. дис. канд. соц. наук. Екатеринбург, 2006 .-28 с;

3.7 Фатов И.С. Конституционно-правовой статус общественных объединений и механизм его реализации в становлении гражданского общества России : Автореф. дис. ... канд. юрид. наук: Москва, 2008.-27 с;

#### **IV. Даврий нашр ва журналлар**

4.1. “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази 2012 йил ҳисобот бюллетени. –25 б.

4.2. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2012 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи. – 15 б.

4.3. И.Пейсахович “Ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда”. Халқ сўзи. 2013 йил 15 март.

#### **V. Интернет сайтлари**

- 5.1. <http://www.lex.uz>
- 5.2. <http://ruy.ru>
- 5.3. <http://ru.wikipedia.org>
- 5.4. <http://www.english-easy.info>
- 5.5. <http://base.spinform.ru>